

“Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти
ягона акциядорининг 1-сонли
КАРОРИ

2020 йил 7 январ

Тошкент шаҳри.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар 36 179 179 408 донани ташкил этади.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикасининг давлат активларини бошқариш Агентлигига тегишли бўлиб, Агентлик жамиятнинг ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масала юзасидан қабул қилинди:

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқарув раисининг инвестиция, маҳаллийлаштириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосарини сайлаш тўғрисида.

2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқарув раисининг капитал курилиш бўйича ўринбосарини сайлаш тўғрисида.

3. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқаруви таркибини тасдиқлаш тўғрисида.

4. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ижро аппарати янги тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.

5. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ ягона акциядорининг 26.04.2019 йилдаги 1-сонли қарори билан Жамият бошқарув раисининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ўринбосари лавозимига Ф.М.Қурбонов сайланган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.08.2019 йилдаги ПҚ-4426-сонли қарорига биноан устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган корхоналарда ижро органи раҳбарининг маҳаллийлаштириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосари лавозими жорий этилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.11.2019 йилдаги 06/1-2731-сонли хатига асосан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқарув раисининг маҳаллийлаштириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосари лавозимига Қурбонов Феруз Мустафоевич тайинланишига розилик берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 22.11.2019 йилдаги 941/03-08-1-сонли хати билан Ф.М.Қурбоновни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқарув раисининг маҳаллийлаштириш, кооперация алоқаларни кенгайтириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи

Ўринбосари лавозимига тасдиқлаш масаласини жамият бошқарув органларида кўриб чиқиш юзасидан кўрсатма берилган.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ягона акциядори, **қарор қилади:**

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқарув раисининг инвестиция, маҳаллийлаштириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосари лавозимига Қурбонов Феруз Мустафоевич сайлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

Хозирги кунда “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан бир қатор давлат инвестиция дастурлари, хусусан паст кучланишдаги электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” ва бошқа бир қатор дастурлар асосида тегишли қурилиш ва монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, Ф.М.Қурбонов “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқарув раисининг инвестиция, маҳаллийлаштириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосари лавозимига сайланиши муносабати билан, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ бошқарув раисининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ўринбосари лавозимига ушбу йўналишда тегишли тажрибага эга номзод тайнловини амалга ошириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.01.2020 йилдаги 06/1-330-сонли хатига асосан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқарув раисининг капитал қурилиш бўйича ўринбосари лавозимига Носиров Дилшод Баходирович тайинланишига розилик берилган.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ягона акциядори, **қарор қилади:**

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқарув раисининг капитал қурилиш бўйича ўринбосари лавозимига Носиров Дилшод Баходирович сайлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг уставига асосан жамиятнинг кундалик фаолиятига рахбарликни 5 кишидан иборат ижроия органи амалга оширилиши белгиланган.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 15 апрелдаги 02к-ПО-сонли буйруғига асосан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ бошқарув раиси этиб У.М.Мустафоев тасдиқланган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 26.04.2019 йилдаги 06/1-330-сонли хатига асосан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ ягона акциядорининг 2019 йил 26 апрелдаги 1-сонли қарори билан Р.О.Райимов “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ бошқарув раисининг электр тармоқларидан фойдаланиш бўйича биринчи ўринбосари ва А.А.Асқаров “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ бошқарув раисининг иқтисод бўйича ўринбосари лавозимларига сайланган.

Шунга кўра ҳамда “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқарув раисининг маҳаллийлаштириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосари лавозими жорий этилиши муносабати

билан, Жамиятнинг янги бошқаруви таркибини ва бошқарув аъзоларини тасдиқлаш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ягона акциядори, **қарор қилади:**

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг бошқаруви қуйидаги таркибда сайлансин:

1. У.М.Мустафоев – Бошқарув раиси;
2. Р.О.Райимов - Бошқарув раисининг электр тармоқларидан фойдаланиш бўйича биринчи ўринбосари;
3. Ф.М.Қурбонов - Бошқарув раисининг инвестиция, маҳаллийлаштириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосари;
4. А.А.Асқаров - Бошқарув раисининг иқтисод бўйича ўринбосари;
5. Д.Б.Носиров - Бошқарув раисининг капитал қурилиш бўйича ўринбосари.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.08.2019 йилдаги ПҚ-4426-сонли қарорига биноан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖда Бошқарув раисининг маҳаллийлаштириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосари лавозими жорий этилиши ҳамда Жамият бошқарувининг янги таркиби сайланганлиги муносабати билан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ ижро аппаратининг янги тузилмасини тасдиқлаш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ижро аппаратининг янги тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқаруви раиси У.М.Мустафоевга Жамият ижро аппаратининг янги тузилмасидан келиб чиқиб, Жамиятнинг штатлар жадвалига (107 нафар) тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини амалга ошириш топширилсин.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сонли “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2019 йилдаги 899-Ф-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ ягона акциядорининг 29.11.2019 йилдаги 7-сонли қарори билан Жамият устав капиталини ҳар бирининг номинал қиймати 100 сўмлик қўшимча 47 047 610 648 дона оддий акциялар чиқариш йўли билан жами 4 704 761 064 800 сўмга ошириш юзасидан қарор қабул қилинган ва қўшимча акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарор тасдиқланган. Мазкур қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор 27.12.2019 йилда Р0896-2-сон билан Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ бошқарувининг янги таркиби сайланганлиги ва ижро аппаратининг янги тузилмаси тасдиқланиши ҳамда Жамият устав капитали миқдори оширилиши муносабати билан, Жамият уставининг жамият устав капитали ва ижро органи тўғрисидаги бандларига тегишли ўзгартиришлар киритган ҳолда, амалдаги қонунчилик талабларига биноан Уставни янги таҳрирда тасдиқлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг янги таҳрирдаги Устави 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқаруви раиси У.М.Мустафоевга Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тегишли давлат идораларида рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга ошириш топширилсин.

Давлат активларини бошқариш
Агентлиги директори ўринбосари в.б.



Т.Набиев


(Асқаров)



ПРИЛОЖЕНИЕ

к Решению Единственного акционера
АО «Hududy elektr tarmoqlari»
от «07» января 2020 года №1

Структура исполнительного аппарата АО «Региональные электрические сети»



Общая предельная численность управленческого персонала – 107 ед.
* численность технического и обслуживающего персонала определяется в соответствии с установленными нормами.

** Председатель Правления вправе вносить изменения в пределах численности штатного расписания по согласованию с Министерством энергетики Республики Узбекистан.